

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 1 апрель чоршанба
Сотувда эркин нархда № 67 (1848)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

ИСТИҚЛОЛ ВА МИЛЛИЙ ТЕАТР

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Мухтарам Ислам Абдуганиевич!

Биз, Ўзбекистон театр санъатининг бир гуруҳ вакиллари, Сизга ушбу мактуб орқали ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимиз ва самимий ниятларимизни йўлаймиз.

Мамлакатимизда маданият ва санъат ривожига изчил ғамхўрлик қилинаётганлиги, маънавият ва маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлиги бизни олдидан хушбўй этмоқда.

Куни кеча Сиз имзолаган «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармон, шубҳасиз, тарихий аҳамиятга молик муҳим ҳужжатдир.

Фармонда ўзбек миллий театр санъатининг истиқболлиги кўзлаган ҳолда махсус таълим тизимини замонавий талаблари асосида такомиллаштириш, ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари аниқ белгилаб берилган.

Биз мустақиллигимиз шароитида ўз ўрнини ва улкан мустақиллигимизни тўла англаймиз. Зеро, мустақиллик бутун маънавий ривожимиз гарови эканлигини аниқ биламиз ва уни мустақамлаш учун тинимсиз ижод, улкан меҳнат қилиш лозимлигини чуқур ҳис қиламиз.

Ўртимизнинг буюк келажаксини яратиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни инсонпарварлик, ватанпарварлик ва истиқлол ишига фидойиллик руҳида тарбиялашда театр санъатининг аҳамияти беқисс эканлигига шахсан Сиз бераётган эътибор бизларда чексиз фахр ва гурур туйғуларини уйғотди, кучимизга куч қўшди.

Сизнинг ғамхўрлигиниз мамлакатимиз театр ижодкорларини ўз саҳна асарлари билан замонавийларимизда юксак инсоний фазилатлари камол топтиришга, уларнинг маънавий дунёсини бойитишга қаратилган ислохотларда фаол иштирок этишига ундайди.

Биз халқимиз олдидан қарздорчилигимизни яхши биламиз. Зеро, истиқлол тўғрисида рўй бераётган бунёдкорлик, замонавий ижобий қарамонни тарангом этадиган етук бадиий асарлар ҳали етарли даражада саҳналаштирилганича йўқ. Аммо бу ишга биз астойдил қирингамиз.

Театр ходимлари бундан бундан ҳам мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлашдаги улғувор вазифаларни бажаришда ўз ижодлари билан Сизга елкадоши бўлаверадилар.

Бугун шу мунаваар кунларга етолмамиз, аммо умр бўйи мустақиллигимиз, театр санъатининг ривожини учун давлат миқёсида ғамхўрлик кўрсатилишини орзу қилиб ўтган улғув устувор санъаткорларимизнинг руҳлари шод бўлаётганлигига шубҳа йўқ.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, халқимизнинг бахтига омон бўлишинизни тилаймиз.

Самимий ҳурмат билан Ўзбекистон театр санъати ижодкорлари номидан:

Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Гани Аъзамов, Зикри Мухаммаджонов, Фароғат Раҳматова, Махмуджон Ғофуров, Муҳаббат Йўлдошева, Манзура Ҳамидова, Бериора Қориева, Ёқуб Аҳмедов, Рихис Иброҳимова, Қўاتبой Абдураимов, Нажмиддин Ансатбоев, Владимир Шاپиро, Баҳодир Йўлдошев, Муҳаммадали Абдуқундузов, Наби Абдураҳмонов, Зухра Ашурова.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг Афғонистондаги махсус вакили Ладхар Браҳими Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди.

Абдулазиз Комилов билан бўлиб ўтган учрашувда минтақавий хавфсизлик, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар суҳбатининг асосий мавзуси бўлди.

(ЎЗА)

БИРИМИЗ ИККИ БЎЛСИН ДЕСАК...

Куни кеча бир гуруҳ экиллар баҳасига бўлиб қолдим. Гап Ватан, халқ тақдирини, ўтмиш ва келажак, мустақиллик мавзусига бориб тақалганда, ҳамсуҳбатлардан бири шундай фикр билдирди:

— Бундан бундан бизники бутунлиги, кунимиз қандай кечини, ҳаётимиз қандай бўлиши фақат ўзимизга боғлиқ! Аввалдадек, бировдан айб қилдиришга ҳаққимиз йўқ. Мустақиллик ниятдан баҳраманд бўлаёмизми, унинг бутун масъулиятини ҳам бўйинимизга олишимиз керак!

Президент Ислам Каримов одамларнинг тафаккури, дунёқараши узариши зарурлигини, бу ислохотларни муваффақиятга амалга оширишининг муҳим омил эканлигини кўп таъкидлайди. Боғи гапни эшитиб, бунинг тасдиғини топгандай бўлдим.

Дарҳақиқат, тарихан қисқа вақт мобайнида мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини мустақамлаш, шунинг баробарида халқ ҳужакиннинг етакчи соҳаларида қарамликдан қутулиш борасида оламшумул ишлар амалга оширилди. Нефть, газ, электр энергияси каби соҳаларда эътиборимиз ўзимиз таъминлай бошладик.

Лекин мана шу саховатли заманининг ҳар бир қаричи, унинг ер ости ва ер усти бойликларини ўзимизники эканлигини бир зум унутмаслигимиз, ҳар биримиз уни асраб-авайлашимиз, бу ниятларини қўпайтириш ҳақида қайғуршимиз даркор. Бошқача айтганда, мулк масъулиятимизни ўзгартиришимиз керак. Зеро, у эли ўзимизникидир!

Баҳор келиб қузда деҳқонларимиз ерга қидган баракча уруғлари қўлиб уриб ривожлана болади. Шамолда майин тебранётган поёнсиз майдонлардаги яшил тилла — галлазорлар

қўни қувонтиради. Бу йил қор ва ёғир кўп ёққанини назарда тутиб, деҳқонлар, иншоолор, ризқ-рўзимиз мўл бўлади, демоқдалор.

Жорий йилда Ўзбекистонда 1 миллион 300 минг гектардан зиёд ерда бошоқли дон етиштирилмоқда. Насиб этса, аҳоли ҳўжалиқларидаги ҳосилни ҳам қўшиб ҳўсболаганда ялти галла ҳирмони 4 миллион тоннадан ошадди. Олингандан бугаю ҳўсилнинг ўзинига 3,5 миллион тоннадан ортиқ бўлиши кўзда тутилмоқда.

Ана шу ҳўсилни ўрим-йигим палласига бешкаст этказиб олиш, қишлоқ ҳўжалиқ экилларни, бўвўлзорларнинг пайҳон қилинишига йўл қўймастик бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Бу борда мутасадди идора ва ташкилотлар маҳаллий ҳўкимликлар ва ҳўжалиқ раҳбарлари билан биргаликда зарур чора-тадбирларни амалга оширомоқдалар. Республика Ички ишлар вазирлиги маълумотларига қараганда, ўтган йилнинг ноябрдан жорий йилнинг март ойигача бўлган вақт давомида 1600 дан зиёд қишлоқ ҳўжалиқ экилларини чорва моллари томонидан пайҳон қилиниши ҳўлатлари аниқ-

ланган. Фуқароларга тегишли бўлган 4100, ҳўжалиқларга тегишли бўлган 416 бош чорва моллари экинзорларга зарар етказган. Уларнинг эгаси бўлган 1540 нафар шахсга 903 минг сўм, 37 ҳўжалиқ раҳбарига эса қарий 40 минг сўм миқдорда жарима солинди.

Маълумотларни таққослаганда, қишлоқ ҳўжалиқ экиллари пайҳон қилинган майдонлар Сирдарё вилоятида — 296, Жиззах вилоятида — 151, Андижон вилоятида — 15 гектар бўлиб, нисбатан кўп экани кузатилади.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиқ экилларига катта миқдорда зарар етказиш ҳўлатлари ҳам аниқланиб, 8 нафар фуқаро ва 3 нафар мансбўр шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, Сирдарё вилояти, Гулистон тумани «Бешбулак» жамоа ҳўжалиқда яшовчи А. Сармоновнинг 5 бош қорамоли шу ҳўжалиқнинг 1 гектар бўвўлоқ зорини пайҳон қилиб, ҳўжалиқка 24 минг 180 сўм миқдорда зарар келтирган. Шунингдек, Андижон вилояти Булўқбоши тумани Улғубек номидаги жамоа ҳўжалиқини бошқармаси раиси А. Аблязов, шу ҳўжалиқнинг бригада бошлиқлари А. Шарофидинов ва А. Мамуров 13,5 гектар майдоннинг пайҳон қилинишига сабаб бўлиб, 108760 сўм зарар етказганлар. Мазкур шахслар ҳам қўнун олдидан жавоб берадилар, албатта. Лекин...

Аввало бу етказилган зарарни пул билан ўлчаб бўлармикан?

Бориники, экинзор пайҳон бўлишига йўл қўйган шахс жазоланар, етказган зарарни ўзини қоплар ҳам. Лекин бу билан топ-

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг Афғонистондаги махсус вакили Ладхар Браҳимини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар тобора ривож топиб, мустақамлашни боғлаётганини таъкидлади. Хусусан, Афғонистон муаммосини

бартараф этиш масаласида ҳар икки томоннинг сўй-ҳаракатлари узаро уйғун эканини қайд этди.

— Бугунги учрашууда Л. Браҳими билан бир қаторда БМТнинг Афғонистондаги махсус миссияси раҳбари Жеймс Нгоби ҳамда Ислам Конференцияси Ташкилотининг БМТдаги вакили Мухтор Ламани иштирок этатигани ҳам диққатга сазовордир, — деди Ислам Каримов. — Уйлайманки, Афғо-

нистондаги муаммоларни бартараф этишдек отир ва масъулиятли ишга ислом олами яхши биладиган кишиларнинг бош қўшилиши муҳим аҳамиятга эга.

Л. Браҳими қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Афғонистон муаммоларини ҳал этиш бўйича БМТ томонидан амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, ўзининг махсус миссияси ҳақида тўхталди.

Шу жиҳатдан, Россиянинг «Известия» газетасидаги маълумотларидан тўғрисида билдирилган фикрларга махсус тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Бу газеталда, жумладан, шундай дейилди: «Москва нимаки ўй-мулоҳазалар билан иш юритмасин, ўз вақтида Ўзбеки-

стон Президентини Ислам Каримов айтганидай, «Кремль юлдузлари»га умид боғлаб яшашнинг замони ўтди... ҳатто Россияга энг мойил қайфиятда бўлиб келган Душанбе ҳам сўнги лаҳзада Тошкентда 1994 йилдан бундан мавжуд бўлган Марказий Осиё иттифоқига қўшилишга қарор қилди».

«Интерфакс» эса Тошкент учрашувида муносабатини ифода қилган экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биз умид қилишимиз, яқин ўртада ҳаммаўрақибга Туркманистон ҳам ўзига мақбул тарзда иш тирок этили. Ва ана шунда Марказий Осиё сўзининг том маъносида яхлит минтақалга айланади» деган сўзларини келтирди. Ислам Каримов айтишича, — дейди «Интерфакс», — бу фақат «замонавийлик ёхуд интеграция учунгина қилинаётгани йўқ». Марказий Осиё давлатлари тарихан узаро яқин халқлардир. Ана И. Каримов айтганидек, имзолаган ҳўжатларини амалга ошириш учун Марказий Осиёдаги давлат бошлиқлари қўнун аҳду-паймон қўрс-

атишлари, шунингдек, қўнунчилик асосларида муштаракликка эришишлари лозим.

«Известия» газетасида эълон қилинган Газз Галимовнинг «Марказий Осиё Россияни қўшиб ўтирмайди» мақола-сига (1998 йил 28 март сониде) ана бир қарра қайтамиз. Жумладан, унда шундай фикрлар айтилди: «Биз МДХ давлатлари кенашларида бўлгандай кўп сонли қарорлар қабул қилиш йўлидан бормокчи эмасмиз, бироқ қабул қилинган саноқчи қарорларимизнинг ҳар жиҳатдан оқилона ва асосли бўлишига иштиқимиз». — деб баёнот берилди Тошкентдаги мағбуот конференциясида.

Тўрт давлат раҳбарларининг минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Баёноти ҳам барча МДХ давлатлари учун ибрат бўлиши мумкин. Ҳўш, Россия нима қилапти? Қанча йиллардан бундан бехисоб қозғолар қораланди, натижа эса нолга тенг. «Иккилик» деб тилга олинаётган Россия ва Белорусия иттифоқи ҳам аниқ бир қиёфа касб этмади. Ва бундай вазиятда МДХ раҳбарлари йиғилишлари ҳам орқага сурилганда сурибли қалайпти».

Хуллас, Газз Галимовнинг таъкидлаганидек, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларидан иборат «Марказий Осиёлик тўртловнинг икки қўнунлик учрашуви гўт муваффақиятга яқунланди». Бу учрашув Москвада шу йилнинг 19 март кунда амалга ошмай қолган МДХ давлатлари раҳбарлари учрашувига ўзига хос ибратли бир жаюв бўлди.

Бу эътироф қўнунча шарҳга асло муҳтож эмас.

М. САФАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА ПИЛЛАЧИЛИК СОҲАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада пиллачилик соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда соҳа корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиги, «Ўзбекенилсанот» давлат уюшмаси, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиғи илмий-ишлаб чиқариш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари, шунингдек, ипакчилик соҳасида ҳўжалиқ юритувчи субъектларнинг:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиғи ҳузуридаги «Пилла» уюшмасини, «Ўзбекенилсанот» давлат уюшмасининг «Андижон ипағи», «Хон атлас» ва «Қумуш тола» акциядорлик компанияларини тугатиш;

«Шойи» акциядорлик компаниясини ҳамда «Пилла-холдинг» холдинг компаниясини ўз ичига оладиган «Ўзбек ипағи» мустақил уюшмасини ташкил этиш;

ипакли ва аралаш газламалар ишлаб чиқарадиган шойи тўқиш корхоналари, шунингдек, табиий шойи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича марказий илмий-тадқиқот институтини ўз ичига оладиган «Шойи» акциядорлик компаниясини тузиш;

таркибига пилла хомашиси ва ипакли калава ишлаб чиқарадиган шойи тўқиш саноати, ипак курти уруғи тайёрлайдиган заводлар, хом пиллани қабул қилиш ва дастлабки ишлаб бериш корхоналари, тўтичилик ҳўжалиқлари, ипак курти насчилик станциялари ва автотранспорт корхоналари, шунингдек, бевосита компанияга бўйсундирилаётган Ўзбекистон Ипакчилик илмий-тадқиқот институти қирадиган «Пилла-холдинг» холдинг компаниясини ва унинг худудий акциядорлик бирлашмаларини ташкил этиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. «Ўзбек ипағи» уюшмасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қўнундаги белгилашсин:

«Пилла-холдинг» холдинг компаниясини ва «Шойи» акциядорлик компаниясининг сифатли қуруқ пилла, пилла хомашиси ва ипак калава, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган табиий ва аралаш шойи газламалари ишлаб чиқаришининг ягона технология жараёнини таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

уюшма таркибига қирадиган компанияларнинг корхона ва ташкилотлари ўртасидаги ҳўжалиқ ва технология алоқаларини шартнома муносабатлари тизимини такомиллаштириш йўли билан мустақамлаш;

пиллачилик соҳасида хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ҳамда агросаноат интеграцияси ва кооперациясининг янги ташкилий шакллари ривожлантириш;

сифатли уруғ ва пилла тайёрлаш, пиллақашлик, ипак йиғириш, шойи тўқиш соҳалари бўйича ишлаб чиқаришга илгор технологияларини жорий этиш борасида ягона техникавий ва инвестицион сиёсий юритиш;

пиллачилик соҳасида, жумладан, хоржий сармоюлар иштирокидаги корхоналар барпо этиш йўли билан, хоржий сармоюлар жалб этиш;

ипакчилик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини қўпайтириш учун ички ва ташқи бозорнинг маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, республика ипакчилик саноати корхоналари маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш.

3. Янги тўртловлар барпо этилган майдонлар 3 йил муҳлатга ер солиғидан озод қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичиде мазкур Фармоннинг бажарилиши бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 30 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Л. АХМЕТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Лерик Ахметов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 31 март.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

«Устоз» жағмараси томонидан ўтказилаётган «Америка таълим тизими тажрибаси ва касб-хўн колледжлари ҳамда академик лицейлар фаолиятини ташкил қилиш» мавзусидаги семинар-кеңаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-хўн колледжлари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлашга қаратилган.

Етақчи таълим марказларидан махсус танланган ўқитувчилар касб-хўн билим юрталари ва техникумлар ўқитувчилари билан биргаликда 30 мартдан 3 апрелгача республика миқёсида хориждан келган тажрибали мураббийлар бошқаруви остида АКШ таълим тизимининг хусусиятларини ўрганишди.

Ушбу кеңаш жараёнида тинловчилар маълумотлар билан биргаликда ўзбек коллеж ва лицейларида ўқитиш жараёнини ташкил қилишга янги ёндашувларни ишлаб чиқаришга, ўқув режаларига ўзгаришлар киритишга, бундай тайёрламалардан сўнг, ҳозирда режалаштирилатган семинарда қатнашган гуруҳ «Устоз» Республика жағмараси томонидан хорижа, АКШдаги Нью-Йорк университетига юборилди ва улар атоқли етти ой давомида таълим тизимини таъбирларидан ўтган қадрларни тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётига татбиқ этишга хизмат қилдилар.

Аҳмад ХўҲА, (ЎЗА).

С. МАҲСУМОВ.



ЯНГИ УСУЛ

У дехқонга нима берди?

Хар кунги тох у, тох бу вилоятда чигитни плёнка остига экиш бошланганини, ҳатто, баъзи хўжалиқларда ушбу юмушлар тўлиқ тугатилгани хусусида ўнлаб хушxabарлар оламиз. Уларда зикр этилишича, аксарият дехқонлар плёнка остига чигит экилган майдонларни бу йил ҳам қамойтирмасликка оҳд қилганлар. Шу ўринда пахтачиликдаги янги усул афзалликлари нимада, у бизга нима берди, деган савол тугилиши табиий. Мухбиримизнинг Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пахтачилик бошқармаси бошлиғи Абдурахмат Мубораков билан қилган суҳбати ана шу ҳақда бўлди.

— Абдурахмат ака, мутахассис сифатида Сиз янги усул ўз самарасини берди деб айта оласизми?
— Албатта. Неге десангиз, бу усул дехқонларнинг кўп йиллик оҳуларини рўёбга чиқариб, пахтанинг одатдаги ҳисобатан 20-25 кун эрта пишиб етилганини, ҳосилдорлик 10-15 центнерга ошишини таъминлади. Утган йили республикамизда 200 минг гектар ерга плёнка остига чигит экилган эди. Матюмотларга қараганда, ҳосилдорлик ўртача гетарига 33,4 центнерни ташкил этди. Бунинг олдидан экилган гўзга таққосланганда гектардан 10,4 центнер қўшимча ҳосил олинди, деган гап. Мазкур кўрсаткич Навоий вилоятида 15,6, Андижон вилоятида 14,1 Қорақалпоғистон Республикасида 13,6, Сирдарё, Наманган ва Жиззах вилоятларида эса 10-11 центнерни ташкил этди. Утган йили республикамиздаги 128 туманда плёнка остига

қилса, пахтага ҳам ўшандай эътибор керак.
— Бу йил республикамизда 420 минг гектар ерга чигит плёнка остига экиш мўлжалланган экан. Айтингчи, янги усулнинг доруғи давон ошганлигини ҳисобга олсак, бу кам эмасмикин?
— Асло. Чунки ҳар қандай янгиликнинг ўзига кенг йўл очиб олиши учун бир оз вақт керак. Қолаверса, 420 минг гектар республикамиз умумий пахта майдонининг 28 фоизини ташкил этишини назарда тутаёқ, мазкур кўрсаткичнинг кам дейиш ноўрин. Муҳими, янги усул яна бир бор синондан ўтди.

— Айримлар янги усулни қўллаганда харажатлар кўпаяди, дейишади...
— Бекор гап. Табиийки, ҳар қандай тажриба молиявий қурбонликни талаб этади. Шундай эмасми? Лекин Андижон усулида ҳар қандай харажат пироваридада қопланади ва фойда икки-ўч баробар бўлиб қайтади. Устига-устак, гўза икки марта кам сугорилди, янага қилинмади.

— Яна бир гап. Биласиз, гўза касалликлари ва зараркунанда ҳашоратлар маълум вақтда пайдо бўлади. Масалан, кўсақ қурти гўза туларидида дастлабки кўсақлар шакллана бошлаши билан тарқала бошлайди. Янги усулда гўза одатларидан 20-25 кун илгари кўсақ туккани сабабли, кўсақ қурти пайдо бўлунича анча қотиб, зараркунанданинг «тиши» ўтмайди-ган бўлиб қолади. Муҳими,

ҳосил эрта олинади, сифати яхши бўлади. Ахир ўзбек дехқонининг нияти шу эмасми-ди?
— Тўғри. Энди янги усулнинг тала ва чигит сифати тазйири хусусидаги фикрингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.
— Бажонидил. Андижон усулида гўза ривожланиши тезлашар экан, табиийки, бу жараён тала шаклланиши ва чигит мағзи тўқ бўлишига ҳам таъсир этиши шубҳасиз. Зеро, гўза ўсиш даврида кун ўтган сайин меърадаги ҳароратни бир маромда олиши натижа-сида толанинг пишқиқлиги ошади. Чигит сифати шу даражада тўқ бўладики, ҳатто ундан ёр чиқиси уч-тўрт фоиз ошади. Қолаверса, бу пахта уруқчилигини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сирасини айтганда, пахтачиликда янги технология — чигитни плёнка остига экиш республикамизда кенг тарқалгани бежиз эмас. Биласизми, агар биз ушбу технологияни янада тўлиқ ўзлаштириб оلسак, қўзнинг дастлабки ойларидаёқ тоғдек ҳирмон уямиз. Баҳорнинг дехқон учун инжиқ келадиган кунларини эса беҳуда ўтказмаймиз. Такрорий экинарлар экиш имкониятига ҳам эга бўламиз.

«Жалқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.

АКС САДО

«Жалқ сўзи»нинг шу йил 11 февраль сонидида газетанинг Жиззах вилояти бўйича мухбири Х. Набиревнинг «Қарор яхши, ижросичи?» сарлавхали мақоласи «Кишлоқ инфратузилмаси» рўқни остида чоп этилган. Унда вилоятда бу борада ўтган йилда амалга оширилган ишлар таъкидлангани ҳолда ҳали бу борада талай камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилган.

Кайтарик бўлса ҳам айтаман, танқидий мақолада Жиззах вилоятида аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш борасидаги аҳвол таҳлил

этилган. Пойтахт шаҳрига мутлақо алоқаси бўлмаган, лекин шундай бўлса-да, кўтаришган масалани муҳимлигини эътиборга олган Тошкент шаҳар ҳокимиятининг савдо, маънавий хизмат, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш Департаменти раҳбарлиги мазкур мақолани кўриб чиқини мақсадга мувофиқ деб топган.

Кўйида шу Департамент бошлиғи жаноб С. Муслимовнинг тахририятга юборган мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этаман.

САВОБ ТАЛАБ КИШИ ХИЗМАТ КАМАРИН БОҒЛАГАЙ

«Жалқ сўзи» газетасида «Қарор яхши, ижросичи?» сарлавхали мақола Тошкент шаҳар ҳокимиятида туман ҳокимиятининг биринчи муовинлари, «Шаҳармаишийхизмат уюшма» раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди. Ингилишида таъкидландики, ўтган йили шаҳар аҳолисини маънавий хизмат турларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, уюшма тизимига кирган корхоналар фаолиятини янада барқарорлаштириш, туманларда маънавий хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар ассоциациясини тузиш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш, ишлабчилик сифат кўрсаткичларига эришиш борасида белгиланган дастур асосида режалаштирилган ишлар амалга оширилди.

«Шаҳармаишийхизмат уюшма» тизимига, мулкчилик шаклидан қатъий назар, 950 дан зиёд корхоналар иштирокида равишда хўжалик шартномаларига бинона бirlашган. Тошкент шаҳрида жами 2300 дан зиёд маънавий хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фаолият кўрсатиб келган бўлиб, уларга 1900 дан зиёд маънавий хизмат кўрсатиш хукукдони берувчи гувоҳномалар берилган. 5300 маънавий хизмат кўрсатиш ходимлари қайта аттестациядан ўтказилган.

1997 йилда маънавий хизмат кўрсатиш ҳажми 1490264,2 минг сўмини ташкил қилди, аҳоли жон бошига 703,3 минг миқдорда хизмат кўрсатилди. Ишлаб чиқилган дастурга бинона 603 ишчи ўринга мўлжалланган 305 та маънавий хизмат кўрсатиш шаҳобчаси очилди.

ган мuddатда расмийлаштириш ва топириш масалаларини ўрганиб, бу ишлардаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, 1997 йил декабрь ойида Бектемир туман ҳокимлиги билан биргаликда маънавий хизмат кўрсатиш корхоналари иш фаолияти ўрганилиб, шу асосда семинар-ингилиш ўтказилди.

«Шаҳармаишийхизмат уюшма» Меҳнат бошқармаси билан ҳамкорликда 600 та янги ишчи жойларини ташкил қилиш учун хунарманд ишчиларнинг тайёрлаш курсларини ташкил этди.

Бу йил олдинмизла катта вази-фалор турбиди. Чунки, жами 508 та янги маънавий хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини очилди ва 1030 та янги ишчи ўринларини ташкил этиш мўлжалланган. Дастурга бинона 12 та хорижий фирмалар билан биргаликда маънавий хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, аҳолини бу хизмат билан эҳтиёжини қондириш, сифат даражасини ошириш борасида иш олиб боришмоқда.

Шаҳар ва туманларда аҳолининг маънавий хизматга бўлган талабини қондириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, соҳа ишчини тубдан яхшилаш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар хил турдаги корхоналарнинг иш фаолиятини мувофиқлаштириш, тартибга солиш мақсадида туманларда маънавий хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмалари ташкил этилди ва ҳозирги кунда таш-



Швейцарияда, Халқаро олимпиада кўмитаси қарорига кенгаш бўлди. Унда МДХ мамлакатлари Миллий олимпиада делегациялари иштирок этди.

Ўзбекистон музейининг янги мақоми

— Ҳамдустликдаги Миллий олимпиада кўмиталари ва мамлакатлар олимпиада делегациялари иштирок этди.

ҚИЗИЛҚУМДА КАНАЛ

Баҳорнинг дастлабки ойида Қирққиз мавзесидаги бир неча минг гектар экин майдонини сув билан таъминлаш яхшиланди. Бу ерда олти ярим километрлик «Истиклол» канали қазилди. Эллиқкальта туманининг шимолий-ғарбида жойлашган серҳосил ерларга оби-ҳаёт элтувчи мазкур иншоотни «Бўстонсувқурилиш» бошқармаси қисқа муддатда фойдаланишга топширди. Ҳозир бошқарма «Бўстон» магистрал каналини қазилди ишларини жадаллаштирмоқда. Қизилқум орқали олиб ўтилган сув бир иншоот бетон «тўти» билан қопланади. Унинг 36 километрлик биринчи навбати келаси йил фойдаланишга топширилади. Натижада Эллиқкальта туманида 10 минг гектар янги ер ўзлаштирилади.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎЗА мухбири.

Қалбида юрт туйғуси, Ватан меҳри инган йигит борки, ҳарбийлар сафига отланади. Ватанини қўриқлайди, Ҳадемай — апрель, май ойларида навбатдаги қақирув бўлади. Аскарликка муносиб, соғлом, навқирон ёшлар билан ҳарбийлар сафи тўлдирилади. Ҳарбийларнинг ҳар қачини қўриқлаш ишониб топширилади янгиликлар ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун талабларини билидиларми? Аввало шу ҳақда фикр юритсак. Қонуннинг айрим бандларини таъкидлаб ўтсак,

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофиа тўғрисида» Қонунида Ватанини мудофиа қилишнинг, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқароларининг Конституциявий бурчи эканлиги аниқланган.
«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» 1992 йил 3 июлдаги Қонунида мамлакатни мудофиа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истиқомат қилувчи бarcha фуқароларнинг мудофиа бурчларидир, деб қўрилган.
Қонунини бажариш — фуқаролар билан бир қаторда давлат бошқарувидаги марказий идоралар, жамоат бирлашмалари, ўқув юрталари, муассасалар, корхоналар, жамoa хўжаликлари, кооперативлар ҳамда бошқа ташкилотлар зиммасига оқилланган.

Мазкур Қонуннинг 9-моддасида таъкидланганича, қақирувга тайёргарлик ишлари ҳақида кўрсатилган. Устирилари ҳарбийга фуқаролар мудофисига тайёрлаш ишлари мажбурий фан бўлиб, умум таълим мактабларида (шу жумладан, гимназиялар, лицейлар ва ўрта умумтаълим ўқув юрталарининг бошқа турларида), ҳунар-техника билим юрталарида битириш йили апрофессияли синфларда, курсларда иштатдаги бошланғич ҳарбий таълим раҳбарлари томонидан ўқитилади.

Олий ўқув юрталарида захирадаги офицерларни тайёрлаш ишлари ҳақида ушбу қонуннинг 11-моддасида кўрсатилди, унинг 1-бандида кўра, бу ҳарбий тайёртарлик ўқув марказларида (ҳарбий кафедралар ёки инкваторлар) таълим бериш орқали амалга оширилади.
Олий ўқув юрталарининг қонундан бўлимида ўқитилган, соддатлиги кўра ҳарбий хизматга яроқли талабалар (27 ёшга бўлган эркаклар) ҳарбий тайёртарлик курсини, тиббиёт олий ўқув юрталарининг талаба хотин-қизлари — ҳарбий-тиббий тайёртарлик курсини ўтайдилар.

ҚАҚИРУВГА МУНОСИБ АЗАМАТЛАР

Қақирув ёши мазкур Қонуннинг 15-моддасида кўрсатилган. Бунга кўра, тинчлик вақтида саломатлиги кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва қақирув кунин 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси бўлиши йигитлар мудофиа ҳарбий хизматида қақирувчи бўлиши мумкин.
Фуқаронинг қақирув участкасига шахсан келиши имкон бўлганда, касаллиги, ақин туғилганининг нарбат этгани ёки отир бегоблиги, фуқарога боғлиқ бўлмаган ҳолда уни қўрсатишга қўриқлаш ишлари ҳақида ушбу қонуннинг 17-моддасида қақирувчи му-

вақтида ҳалок бўлган ёки ўлган қақирувчилар мудофиа ҳарбий хизматга қақирилган овоз этилади.
Ҳарбий хизмат мудофиа тўғрисида 23-моддада кўрсатилганича, ҳарбий хизмат мудофиа календарисига ҳисоблана:
а) аскар, сержант ва старшиналар учун: хизмат қақирова бинона ўтаётганлари 18 ой (олий маълумотли шахслар учун 12 ой), биринчи битимга бинона ўтаётганлари 3 йил;
б) аскар, сержант лавозимларидаги хотин-қизлар учун — биринчи битимга бинона камда 3 йил;
в) прапорщиклар учун — биринчи битимга бинона камда 5 йил;
г) ҳарбий хизматга захирадан қақирилган офицерлар учун 12 ой, ҳарбий хизматга иштироки келганлар учун камда 3 йил қилиб белгиланади.

42-моддада эса шу Қонунни бузганлиги учун мансабдор шахслар ва фуқароларнинг жавобгарлиги кўрсатилган.
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳарбий хизматдан бўйин товланганда тақдирда амалдаги қонунларга мувофиқ жинсий жавобгарликка тортилмайдлар. Шу қонунни бузишда айбдор бўлган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, фуқаролар, башарти улар: хизматга қақирилган бўлган шахсан ташқари 16 ёшга тўлмаган 4 ва ундан ортиқ болли оналардан бўлса; ҳарбий хизматини ўтати даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-ука, опа-сингиллари бўлса; диний таълимни кўрол ишлатишга ва Қуролли Қўдрода хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг аъзоси бўлса; муқобил хизматини ўтати ҳуқуқига эга бўлса; қонуннинг 4-моддасида кўрсатилганича, муқобил хизмат мuddати 24 ой, олий маълумотли фуқаролар учун эса 18 ойдр.

МАРД МАЙДОНДА СИНАЛДИ

Ҳар қандай фуқаро кўрсатилган қонунлар талабини бузганлиги, қақирувга ўз вақтида келмаганлиги, ҳар хил йўллар билан мудофиа ҳарбий ва муқобил хизматдан бўйин товланганлиги жиноят ҳисобланади.

Бу қонунларнинг талабини бузганлиги учун ҳаракатдаги қонунларга кўра маълумий ва жинсий жавобгарлик кўрсатилган. Масалан, Маълумий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 237-моддасида кўрсатилганича, мудофиа ҳарбий хизматга ёки муқобил хизмат қақирилганидан бош

аник ва тўғри юртимизлар.
Қақирув бўйича ушбу келмаганларга нисбатан чоралар қўришда биз шаҳар, туман мудофиа бўлими ва қатъийлик қилиб келишган Ушбу қонуннинг қатъийлик фойдаланишган ва бу билан ҳуқуқбузарликнинг жазоланиши мумкинлиги, жазонинг муқаррагини таъминлашнинг бузилишига аниқ равишда, ақин бўлиб ҳуқуқбузарликни кўриб ҳат эгши маълумий судьяларнинг ваколатига қириниша қарамай, жарима солиб, ундириб олинган. Айрим тиббиёт ходимларининг маъсулиятлигини натижада тиббий комиссия томонидан бўлган текширишлар сифатсиз ўтказилиб, ноҳодис ва асосиз ҳуқуқлар чиқарилишига йўл қўйилган. Натижада айрим соғлиги ёқон ўсимирлар ҳам мудофиа ҳарбий хизматга нотўғри қақирилган. Кейинчилик ҳасаланганлиги ва хизматга яроқсизлиги ҳарбий қисм тиббиёт муассасаси томонидан аниқланиб, хизматдан овоз қилинган ва мудофиадан қилари уйга қайтариб юборилган.

Ҳужжатларни қалбақлаштириш йўли билан ҳарбий хизматдан бўйин товлан қаб жинсий ҳаракатлар содир этилганлиги ҳам аниқланди.
Масалан, Булоқбўйи туман А.Навоий номи жамоа хўжалиги чорвачилик бўйича ҳисобчи Жаҳонгон Арифов ўз хизмат ваколатини сунистеъмо қилиб, қариндош Мамасолев Абдуҳалим жамоа хўжалигига чўно вази-фалосига ишлайди деген маълумоти маълумотнома ва меҳнат дафтаридаги қўрғинга таъйинлаб берган. А. Мамасолев эса ушбу сохта ҳужжатларни туман мудофиа ишлари бўлимига топшириб, ўраг Эркинжонни ҳарбий хизматдан қолдирилганига ва муқобил хизматини ўтати учун шу жамоа хўжалигининг ўзида қолдирилганига эришган.

А.Жаҳонгон, А. Мамасолев ва Э. Мамасолевлар суи томонидан айбдор деб топилган, жазоланган. Шу қаб қонун бузилиши қоллар Бухоро, Тошкент ва бошқа вилоят прокуратуралари томонидан аниқланган.
Муқобил хизматини ташкил этилишида ҳам қатор қонунчилик бузилишлари маълум. Қўриқчи корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳисоб-хона ҳодимларининг айби билан хизматининг олий мақолидан муқобил хизмат қарасига 20 фойли ажратилганига ўз вақтида ушбу қоллиш ва ўтказишга ҳаттоликка йўл қўйилган.

Муқобил хизмат идоралари муқобил хизматини хизматчиларига урсати ўтамастан шахсларга нисбатан бирор мартаба маълумий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ҳужжат юртимизга ва қўриб ҳат қилиш учун суи органолагига тақдим этмаган. Муқобил хизматда қолдирилган учун бошқа турдаги қонунбузарлиқларга ҳам асло йўл қўйиб бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан бошқа ҳуқуқни мудофиа қилувчи идоралар ва Мудофиа вазирлиги билан ҳамкорликда мазкур қонунни жойларда амалга таъбиқ этиш борасида зарур ишларни амалга ошири бориб, ушбу ижросининг қонунчилиги қозилан доимий назорат ўрнатилган.

Бурҳон УСМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлим бошлиғи, Республикада хизмат кўрсатган яроқ.

(ЎЗА).

1 апрель — кулги кун



Чарли Чаплини биласизми? Юсуфжон қизиқни-чи? Юрий Никулин, Муҳиддин Дарвешов, Мирза, Ҳожибой... Уларнинг ҳаммасини бирлаштирадиган битта сана бор — БИРИНЧИ АПРЕЛЬ!

Аслида порасмий, лекин дунёнинг барча мамлакатларида нишонланадиган Кулгу кун инсон табиати билан боғлиқ. Ҳазил, мутойиба, аския, латифани хуш кўрмайдиган халқ бормикан? Ўзимизнинг ўзбеклар ҳақида-ку айтиб ўтирмайлик. Йилнинг 365 кунини хушчақчақлик билан ўтказишга иштиёқман деб феллимиз бор. Келинг, бугун ҳам биргаликда кулайлик.



МАЪНАВИЯТ

СЎНМАС НУР

Хоразмда боғлар кўп. Уларнинг аксарияти улуг бобокалонларимиз номи билан аталади. Ал-Хоразмий боғи, Беруний боғи, Амир Темур боғи, Навоий боғи, Огаҳий боғи... Хонка туманидаги Алишер Навоий номи боғда улуг шоир музейи барпо этилган. Хар йили февралда вилоят жамоатчилиги вакиллари, илм-фан, адабиёт ва маданият намояндлари бу ерга ташириб буюриб, улуг бобокалонимизга ўзларининг ҳурмат ва эҳтирмларини изҳор этадилар. Бу йилги анжуман айниқса таъсирчан ва сермазмун бўлди.

Навоий ҳақида гап кетганда маънавият сўзини тилга олмай иложимиз йўқ. Зеро, шоир ижодини халқимиз тарихи, маънавият ва маърифатнинг мудом мавжлашиб турган денгизга қисс қилиш мумкин. Шу сабабли вилоятимизда Навоий ижоди чуқур ўрганилади. Маданият ва маърифат муассасаларида, ўқув даргоҳларида навоийхонлик маълум бир саналар муносабати билан ўтказилибгина қолмай, балки бутун йил бўйи давом этади.

Хивадаги Матпанобий мадрасаси қайта таъмирланиб, унинг базасида маънавият ва маърифат музейи ташкил этилди. Музейда деярли ҳар кун ишларга маънавиятдан сабоқлар берилди. Кўп сонли сайёҳлар эса унда тарихимизнинг ёрқин юлдузлари ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишдилар. Бундай музейлар Хива туманидаги Рўзимат Мадаминов жамоа хўжалигида, Шовотдаги «Сохибор» жамоа хўжалигида, Қўшқўпридаги Аз Замашарий мажмуида ҳам ташкил қилинди. Шу кунларда Шовотдаги Юсуф Ҳамдоний маънавият ва маърифат маркази қошидаги маънавият музейини жиҳозлаш ишлари олиб борилаётган.

Ўзининг беназир рубоийлари билан бутун Шарқу Фарбда яхши маълум бўлган шоир, олим ва ориф Падавон Маҳмуднинг ҳаёти ва ижоди ёшлар учун ҳаммушарифатдир. Қураги ерга тегмаган падавон элдошимизнинг ижодий мероси ҳар томонлама ўрганишга ва эъзозлашга лойиқ.

«Маърифат қалами менинг қаламим» деб ёзган эди Падавон Маҳмуд. Қолаверса, у бутун умри давомида ватанпарварликнинг ёрқин намуналарини намойиш этди. Юртдошларини жабру зулмдан, маънавиятсизликдан, асирликдан халос қилишни ўз умрининг мазмуни деб билди. Ана шундай мўтабар инсоннинг эгу ишларини, ўлмас ижодий меросини яна ҳам кенроқ тарғиб ва ташвиқ қилиш ишларига катта эътибор бермоқдамиз.

Урганчининг юбилейини ўтказиш тадбирлари ўз-ўзи...

дан яна бир улуг бобокалонимиз Абдулғози Баходирхон номи билан боғланади. Чунки «Шажараи турк» ҳамда «Шажараи тароқима» сингари машҳур асарлар муаллифи бўлган Абдулғози Баходирхон таъриқли давлат арбоби ҳам эди. Айнан унинг ташаббуси ва ташкилотчилиги билан бундан уч ярим аср муқаддам Амударёдан кўп узоқ бўлмаган жойда Қўуна Урганч шарафига янги Урганч бунёд этилди.

Халқимиз, айниқса ёшларимиз, юбилей муносабати билан ҳам Абдулғози Баходирхон ижодига тақрор ва тақрор муурожаат этмоқда. Бир қатор қалам-кашларимизнинг, ижодкор айтишларимизнинг асарларида унинг сиймоси ўз аксини топмоқда.

Вилоятда ҳар ойда маънавият кунини ўтказиш одат тусига кирган. Шу кунини барча ташкилот ва муассасаларда, корхоналарда маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилади. Бугунги куннинг долзарб мавзуларидаги суҳбат, мулоқот, учрашувлар, мунозаралар хайру соҳават тадбирлари га уланади.

Оила йилида маънавият кунларидаги тадбирлар оилаларимизни мустаҳкамлашга, уларнинг ҳаётлари осойишта ва фаровон бўлишига қўмақлашишга, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишга, кам таъминланган фуқароларга мадад қўлини чўзишга қаратилиши шубҳасиз. Наврўз байрами муносабати билан ҳам бундай тадбирлар авж олдирилди. Қўлуғ қалами Наврўз халқимиз маънавиятининг бебаҳо дурдонасидир. Бундай хуш айёмда ҳар бир эгу иш маънавиятни юксалтиради, бойитади.

Тангриборган ДОСЖОНОВ, Хоразм вилоят ҳокимининг ўринбосари.

ДҲРМОН ҲАНГОМАЛАРИ ЁХУД ТЎҚИЛМАГАН ЛАТИФАЛАР

ОЁГИМИН БОСМАЙ ТУРИНГ

Телекўрсатувда машҳур санъаткор Тамарахоним билан суҳбатлашиши лозим бўлган суҳандон йиғит олдиндан маслаҳатлашиб олади.

— Аяжон, кўрсатуви-мизнинг вақти соати чегараланган, қисқа, лўнда гапириш керак. Мабодо хотираларга берилиб кетиб, гапингиз чўзилиб кетса, сизни қандай тўхтатаман?

— Ҳа, гапини охиригача айтиб олай, оёғимни босмай туринг!

Нихоят, ўша кўрсатув ҳам бошланди. Кутилганидек, Тамарахоним санъат даргоҳига қандай кириб келгани, ҳамкасб ва устозлари, фронт ортида кўрсатган хизматлари ҳақида жўшиб-тошиб, тўхтовсиз гапириверади. Суҳандон келишганидек, ноилоҳ аянинг оёғини секингина босиб қўяди. Шунда ая ногоҳ гапидан тўхтаб, суҳандонга ажабсиниб юзланади:

— Устим, гапини охиригача айтиб олай, оёғимни босмай туринг!

СЎЗ БИЛАН МОТ

Машҳур муסיқашунос аллома Юнус Ражабий-

нинг ўғли, шифокор Маҳмуд Юнусов анча-мунча рақибни писанд қилмайдиган шахмат ишқибози. Кунлардан бир кун шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов Тошкентга ташириб буюради. Хурматли меҳмон шарафига мезбонлар — қадимий ўзини ишқибозлари бир пиелла чой ташкил қилишади. Зиёфатдан сўнг ишқибозлар шахсан чемпионнинг ўзи билан донна суриш шарафига муряссар бўладилар. Ҳамма ни аёвсиз имтиҳондан ўтказиб ўтган чемпион ногоҳ Маҳмуд акага ютқазиб қўйди. Ҳайратланган ишқибозлар Маҳмуд аканинг қўлини қисиб, му-

ҳим, оламшумул галаба билан табриклашади.

Шахматда умуман ютқазиб ўрганмаган жаҳон чемпиони мулзам тортиб, шоша-пиша доналарни қайта тераркан, рақибига яна бир қўл ўйнашни таклиф этади. Маҳмуд ака чўнг рақибини иккинчи марта — бу гал сўз билан мот қилади:

— Мен ютқазган одам билан ўйнамайман!

ШОДМОН ОТАБЕК.

ЎЗИМИНИКНИ ЧЕКСАМ МАЙЛИМИ?

Шоир Азиз Абдураззоқ Дўрмонда қўним топган пайтлари машҳур ёзувчи-

ми Саид Аҳмаддан тамаки сўраб чекишни «одам» қилганди. Бу «сахийлик»дан роса безган адиб охири бир кунни боғда хаёл оғушида ўтирган шоирнинг ёнига бориб «афтодохол» кайфиятда сўрабди:

— Азиз, сигаретинг борми?

Ёзувчини «тушунган» кашанда дўсти дарҳол ён киссаларини қовлаб «бор, бор» деб «сийламоқчи» бўлганда... Саид Аҳмад домла дарҳол мақсадга кўчиб қўяқолибди:

— Йўқ, унда ўзимники чексам майлими?..

Р. ҲАСАН.

Реклама ва эълонлар 136-09-25

ТРИЦАТЬ ПЛЮС. Бардам ва тетик бўлишингиз учун. Шаҳар дорихоналаридан сўраг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 31 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*/

Table with exchange rates for various currencies: Австралия доллари, Австрия шиллинги, Англия фунт стерлинги, Бельгия франки, Голландия гульдени, Греция драхмаси, Дания кронаси, БАА дирхами, АКШ доллари, Миср фунти, Ирландия фунти, Исландия кронаси, Испания песети, Италия лираси, Канада доллари, Хитой юани, Кувейт динори, Ливан фунти, Малайзия рингити, Германия маркаси, Норвегия кронаси, Польша злотийси, Португалия эскудоси, Сингапур доллари, СДР, Туркия лираси, Финляндия маркаси, Франция франки, Швеция кронаси, Швейцария франки, ЭКЮ, Жапония йени, Япония иенаси, Россия рубли, Украина гривнаси, Беларусь рубли, Латвия лати, Литва лити, Молдова леви, Киргизистон соми.

Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан ИЛМИЙ АНЖУМАН. даги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда олимлар, мутахассислар, талабалар, пойтахтимиздаги Миср маданий маркази, шунингдек, Тошкентдаги хорижий дипломати корпус вакиллари иштирок этди. Анжуманда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мамдуҳ Шавқий иштирок этди. (ЎЗА)

МАБЛАҒИНГИЗ УЧ БАРАВАР ТЕЖАЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? ДАЕВОО C&C. 20% гача сийлов билан таклиф этади. Сиз бар йўл 90 минг сўмга янгидаги Билимнингизга замонавий алоқа тизимини сотиб олишингиз мумкин. ДАЕВОО C&C Сизга фойдали шартларда дилеримиз бўлишингиз учун имкон беради. Харидингизни уч кун ичيدا отқазиб бериш кафолатланади.

TINE'98. 1998 йил 6-9 апрель кунлари «СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — 98» Тўртинчи Халқаро тиббиёт кўргазмасига Сизларни лутфан таклиф этамиз. Кўргазмада жаҳондаги 100 дан ортққ етакчи фирмаларнинг тиббий ускуналари, фармацевтика ҳамда косметика маҳсулотлари намойиш этилади. Кўргазмага ташириб буюриб, Сиз ишлаб чиқарувчи фирмалар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишингиз мумкин. Сизни кўргазмамизда кўришдан гоят мамнун бўламиз! Кўргазманинг иш соатлари: 6 апрель — 14.00 - 18.00, 7 апрель — 10.00 - 18.00, 8 апрель — 10.00 - 18.00, 9 апрель — 10.00 - 16.00. Бизнинг манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107, «Ўзэкспомарказ» (собиқ ВДНХ).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти жамоаси шу институтининг бўлим бошлиғи, профессор Шайхат Арифжановга акаси. Учқун Рафатович АРИФЖАНОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради. «Тошкент» Республика фонд биржаси Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори муовини Анвар Расулговга онаси. Шохда РАСУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар. Тошкент шаҳар божхона бошқармаси раҳбарияти ва бутун шахсий таркиби Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини О. Х. Хўжаевга раҳиқаси. Холда ХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради. «Меҳнат» наشريети жамоаси наشريет мўҳарририят мўдирини Ромэн Расулвич ИБРОҲИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва жамоаси қўмита ходими Музаффар ЮСУПОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг она аъзоларига ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО. Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94; Иқтисодиёт 136-36-65; Кинолоқ хўжалиги 136-37-85; Маънавият 136-35-60, 132-10-65; Хатлар 136-29-89, 133-07-48; Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 011138, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 тобоқ, Офсет усулида босилган. Қўлог бичими А—2. Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди. «Шарқ» наشريет-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти—21.00 Босишга тоширилади: 22.25 1 2 3 4 5 6